O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# Миллий Тикланиш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси | 1999 йил, 30 март | 13 (186)- сон

## ҲАР БИР ИНСОН УЧУН ШАРАФ БЕЛГИСИ

### *ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ РАҲБАР МАСЪУЛИЯТИ, ЭЛ-ЮРТ РАВНАҚИДАГИ ЎРНИ, МАЪНАВИЯТИ ҲАҚИДА:*

**Юртимизда, жумладан, Хоразм вилоятида яшаётган одамларнинг тақдирини ҳал қилишда, уларнинг орзу-умидлари рўёбга чиқишида раҳбарларнинг ўрни ва таъсири беқиёс. Бизнинг ижтимоий-маънавий ҳаётимизда раҳбарнинг масъулияти, нафақат масъулияти, балки раҳбарнинг фидойилиги, нафақат фидойилиги, балки раҳбарнинг инсоний фазилатлари алоҳида аҳамиятга эга. Лекин барча раҳбарлар ҳам шу масъулиятни, халқ билдирган шу ишончни етарли даражада ҳис этяпти, деб бўладими?**

● Чинакам ёшулли бўлмоқликни орзу қиладиган ҳар бир раҳбар адолат, қатъият, фидойилик, билимдонлик, ташкилотчилик мезонларига амал қилиб яшаши ва ишлаши зарур.

**● Раҳбарларнинг фаолияти, уларнинг хусусиятлари ҳамиша эл назарида бўлади. Ҳурматли ҳокимлар, раҳбарлар, шуни унутмангки, сизларни рентген каби текширадиган, ишларингизга ҳаққоний ва одил баҳо берадиган мезон — шу юртда яшайдиган одамларнинг кўзи, фикри, улар чиқарадиган хулосадир.**

**Бу юрт аҳлида андиша кучли, улар мулойим гапиради, бетгачопарлик қилмайди, лекин ҳар бир одамнинг раҳбар ҳақида ўз фикри, ўз баҳо ва хулосаси албатта бўлади.**

**Шунинг учун мен минг бор афсусланиб, куюниб, барака топкур раҳбарлар, сизлар учун айтмоқчиман: модомики, шундай экан, ўзингизга қараб юрсангиз бўлмайдими? Нафс балосидан, унинг гирдобига тушиб қолишдан ўзингизни тийиб юрмайсизларми?**

**Ахир, бу ўткинчи дунёда фақат яхши ном қолдириш, ҳалол меҳнат туфайли қозонган обрў-эътибор билан фарзандлар хотирасида қолиш — ҳар бир инсон учун шараф эмасми?**

**Афсуски, бугунги мажлисда мен мана шу аччиқ, оғир гапларни сизларга яна такроран айтишга мажбурман. Кўпчиликка бошчилик қилиш, етакчи бўлиш — бу ғоят масъулиятли, оғир иш. Амалга оширилаётган ишлар, ислоҳотлар жараёни, маънавий-ахлоқий муҳитнинг соғломлиги албатта, авваламбор биринчи раҳбарга, унинг ақл-идроки, виждони, билим ва маҳоратига боғлиқ.**

**● Буни яхши билиб қўйинглар. Гап вилоятдаги ижтимоий вазият, маънавий-ахлоқий муҳит ҳақида кетяпти. Вилоятдаги ҳокимларнинг, катта-кичик раҳбарларнинг обрўси ҳақида кетяпти. Ва шу раҳбарларга одамларнинг муносабати, ишончи, кишиларнинг шу камчиликлар туфайли вужудга келган кайфияти ҳақида кетяпти.**

*Адолат бузилдими, раҳбар ўзининг устидан назоратни йўқотдими, атрофини қариндош-уруғи, таниш-билишлари ўраб олдими — билингки, вилоятда ёки туманда муҳит бузилади. Одамларнинг бир-бирига ишончи йўқолади, мишмишлар, шу билан бирга, ҳар хил уйдирмалар ҳам кучайиб кетади.*

*Энг ёмони шундаки, иш ўрнига гуруҳбозлик, шикоятбозлик, ўзаро зиддият ва низолардан иборат носоғлом вазият вужудга келади, меҳнат самараси йўқолади. Бундай кайфият бир тумандан бутун вилоятга тарқалади, ишимизга, ҳаётимизга, ривожланишимизга халақит берадиган тўсиққа айланиб қолади.*

*Бугун биз бундай нохуш оқибатларга сабаб бўлиши мумкин бўлган бу ҳолатнинг олдини олиш, вилоятдаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш мақсадида тегишли чора ва ташкилий масалаларни кўриб, зарур қарорларни қабул қилишимиз керак.*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 1999 йил 26 мартда Хоразм вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқидан



Нигоҳида бир баҳор қувонч
Турғунбек МАҲКАМОВ сурат-лавҳаси

## ҚОНУН ҚОҒОЗДА ҚОЛМАСИН

Ҳаётимизда ҳамон маъмурий буйруқбозлик давридан қолган, аниқроғи, сақланиб қолган иллатларга турли соҳаларда дуч келиб турамиз. Матбуотда Давлат тили ҳақидаги қонуннинг амалиёти борасида тез-тез чиқишлар бўлиб туради. Бунга сабаблар етарлича топилади. Кўпгина давлат муассасалари буйруқларни, эълонларни ҳалигача рус тилида ёзадилар. Шунингдек, улар мижозлари билан ҳам рус тилида мулоқотда бўладилар. Бундай муносабатда ўзбек тили қачон қонун талаб қилган мавқега эга бўлади?

Отам автожамоада ҳайдовчи бўлиб ишлайди, Кўп вақтлари йўлда ўтади. Бир куни отам билан корхона буюртмасига асосан эҳтиёт қисмлар келтириш учун Чирчиқ шаҳридаги «Чирчиқ қишлоқмаш» заводига бордик. Завод дарвозасининг юқори қисмига битилган «Чирчиқ сельмаш» ёзувини ўқиб, бармоғимни тишлаб қолдим. Наҳотки, бу иборани ўзбек тилига ўгириб бўлмайди.

Завод рўпарасидан ўтган катта чорраҳали йўл устидаги алвонга «Ҳурматли ҳайдовчилар, йўл хавфсизлигини таъмирлаш (таъминлаш эмас) ҳаммамизнинг бурчимиздир» деб битилган ёзувни ўқиб, тилимизга бўлган эътибор шуми деб, ўйга чўмасан киши.

Ўзбекистонда давлат тили тўғрисидаги қонун қоғозда ётиш учун эмас, унга ҳар ерда амал қилиш учун яратилган-ку!

**Азизбек ҲАКИМОВ,**
**239-мактаб ўқувчиси**

## МИЛЛИЙ МУҲАББАТ ТУЙҒУСИ: У НИМА?

*Мухлисона*

**Дилида миллий муҳаббат туйғуси бўлмаган кимсалардан, эркимиз, миллатимиз, келажагимиз душманлари ўз ғараз мақсадлари йўлида фойдаланиши мумкинлигини яқинда рўй берган мудҳиш воқеалар кўрсатиб турибди. Зеро миллатга муҳаббати бор одам ҳеч қачон унга қарши қўл кўтармайди, уни сотмайди, аксинча, ҳимоя қилади. Юқоридаги сарлавҳа остида газетанинг шу йил 5 январ сонида «газетхонга ўн савол» билан мурожаат қилинган эди. Фикримча, ушбу саволлар атрофида ҳар ким ҳам ўйлаб кўриши (жавоб ёзмаса-да), дилида ҳис қилиши лозим.**

1. Менимча, миллий фахр туйғуси аслида мурғак қалбда туғилмасдан, ота-онага берилган ҳакимлар маслаҳатидан, таъбир жоиз бўлса, ҳомила пайдо бўлгандан бошланади. Чунки соғлом болада соғлом фикр, яхши орзу-ҳавас, ҳис-туйғу, ғурур, онги ривожланишга имкон-шароит топади. Боланинг тан соғлиғи мурғак қалбнинг ҳам соғлигидир. Она алла айтиб, оқ сут билан шу гўдакка меҳр-муҳаббат, ҳаётнинг иссиқ тафтини беради.

Миллий ғурур соф миллат фарзандининг бугуни ва эртасини ҳам белгилай олади. Бу туйғу оилада, боғчада мактабда ва кейинги ўқиш, мустақил ҳаёт даврида ҳам турли воситалар орқали сингдирилиб борилиши зарур. **Агарда маълум ёшда миллий ғурур ҳиссини уйғотдик, энди ўз йўлини топди деб қўйилса**, бошқа ташқи кучлар таъсирига берилиб кетишини баъзи ҳолларда кўрдик. (Дейлик, Наманган фожиалари, феврал воқеалари) Шунинг учун ҳам давлатимиз ёшлар тарбиясига ҳамиша алоҳида эътиборда бўлади, келажагимизни асрабавайлайди. Таълим соҳасидаги миллий дастур ҳам улуғ мақсадларни кўзлаб ишлаб чиқилган. Президентимиз «Мен ўзимни, давлатнинг тақдирини ҳам ёшларга ишонаман» дедилар. Миллатнинг равнақи ишончли ёшлар қўлидадир. Ватан миллий муҳаббат туйғуси ёнган юракларга суянади.

2. Ҳар бир давлатнинг эркинлиги биринчи навбатда унинг раҳбарига боғлиқ деб ўйлайман. Раҳбари етук, доно, кучли давлатнинг барқарорлиги муқаррар. Шунингдек, ҳарбий кучларни, мудофаа қобилиятимизни энг замонавий техника қуроллари билан таъминлаб бориш зарур. Ватан эркини асрабавайлашда миллатимизга муносиб ёшлар ҳам катта куч ҳисобланади. Шунинг учун биз бу кучни қаттиқ ҳис қилишимиз, ёшларнинг идрокини тўғри йўналтириб бормоғимиз лозим. Кузатамизки, айрим ўсмир-ёшлар пул топиш мақсадида кўча-кўйда, бозор-ўчарда тайин бир ишнинг бошини тутмай юрадилар. Улар билан шуғулланиш вақти аллақачон етди чамамда. Кўнглимизда бир савол туғилади: қани бу ёшлар билан иш олиб борувчи, қалбларини тинглаб кўрувчи жамоат ташкилотлари? Ахир бу ёшларга ҳам, ишончим комилки, санғиб юриш ҳавас эмас-ку. Улар шундай юраверсалар, турли ғараз мақсадли кишилар таъсирига тушиб қолишлари осон бўлмасмикин?

3. Мустақиллик туфайли миллий масъулият тушунчаси мазмун-моҳияти ҳақида теран ўйлаш, энг асосийси, у ҳақда қайғуриш имконияти кенг очилди. Юртимиз ёшлари хориж ўлкаларига бориб, ишлаб, иш ўрганиб, билим олмоқдалар. Ватандан узоқдаликларида юрт, ундаги ноз-неъматлар, тўй-маросимлар, миллий анъаналарни бошқа халқларникига чоғиштириб кўрадилар. Шу билан бирга, уларнинг тараққий этган жиҳатларини ўрганиб, ўз мамлакатини ҳам шу сафда кўришни, юртни кўтаришни орзулайдилар, мана шу каби ҳолатларда, ҳавасларда миллий масъулият ҳисси пайдо бўлади ва кун-кундан баландлайди. Тараққиёт йўлида ёшларимизнинг илмга берилиши, янги-янги техник билимларни ўзлаштириши, кашфиётлар яратишга иштиёқи, амалга киришиши, буларнинг барчаси миллий масъулиятни англашнинг ўзидир.

4. Катталар газеталари ҳам болалар учун саҳифаларидан жой бериб борсалар, фойдадан холи бўлмайди. Чунки уйга келган рўзномаларга ота-оналар билан бирга болалар ҳам нигоҳ ташлайдилар.

5. Келажакдаги алломаларни ҳам дунёга келтирадиган аёлларимизни асрабавайлаш, аёлни қадрлаш замонлари келди. Ҳар бир миллатнинг ғурури, софлиги ҳам аёлга боғлиқдир. Аёл оилани барқарор тута олувчи куч бўлганидек, дунёни ҳам барқарорлаштира олади.

6. Мен мумтоз қўшиқларни миллий либосларда кўрк билан ижро этилишини хоҳлайман, бундай қўшиқ ва рақсларни севиб тинглайман, томоша қиламан. **Миллий тарбиянинг энг таъсирчан воситаси деб биламан**. Фарзандларимизни миллий мусиқа сеҳридан роҳатланишга, фан тили билан айтганда, рефлекс ҳосил қилиб боришимиз, қалбларини бўш қолдирмаслигимиз лозим. Шундагина «бемаъни нарсалар эшитишади» деб нолимайдиган бўламиз, гап ўзимизда.

7. Тилидан, ирқидан, миллатидан қатъий назар, ислом динини қабул қилган халқлар мусулмон ҳисобланади. Миллийлик ҳар бир халқнинг ўз турмуш тарзидан, иқлим шароитларидан келиб чиққан ҳолда шаклланади ва яшаб келади. **Миллат эътиқодидан қатъий назар, ўз миллийлиги билангина миллатдир.**

8. «Чўл бўрисиз, қишлоқ ўғрисиз бўлмайди» дейдилар. Яхши-ёмон ҳамма ҳам яшаш учун курашади, яшашнинг турли йўлларини танлайди. Лекин тили бошқа, дили бошқаларнинг раҳбарлар орасида учраши кишилар учун кўпроқ зарарли, Самарқанд ва Навоий вилоятларининг бултур бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессияларини республикамиз аҳли кўриб-эшитиб, бунга амин бўлишди. Эл-юрт ҳамиша жамият ишларига ҳушёр туриши керак.

9. Ичиш, чекиш соғлиққа ҳам, чўнтакка ҳам зарарли. Ахлоқий бузуқлик ундан ҳам жирканчдир. Чунки, бунда миллий ғурур, шаън, **МИЛЛИЙ СОҒЛИГИ ТОПТАЛАДИ**, турли давосиз касалликлар келиб чиқади. Бу жиҳатдан биз жиддий эътиборли бўлувимиз шарт. «Асал айнимайди, сариёғ ачимайди» деган ҳикмат мағзини чақиш вақти келди. Асал жонларни асрайлик, улар айниган нарсаларга аралашиб-қоришиб кетмасин.

10. Шукрким, буни мен кўп эшитганман, ўзим ҳам шогирдларимга нисбатан қўллаб тураман. Ёмон иш қилганда танбеҳ берилгани, тушунтирилганидек, бола яхши амал қилганда ҳам «Отангга раҳмат» дейиш лўнда ва таъсирли, энг асосийси, зарарсиз, манмансиратмайдиган миллий мақтовдир. Бир эшитса, яна эшитгиси келиб, ундан ҳам яхшироқ ишлар қилишга ҳаракат қилади. Мен халқимиз обрўсини ўз меҳнатлари, спортдаги муваффақиятлари билан кўтариб юрган ватанпарварларимизни ойнаи жаҳонда кўриб минг бор «Отангга раҳмат» деб ўтираман. Ҳаммамизга ҳам ҳаётимиз давомида шу буюк ифодани кўп-кўп айтиб юриш насиб қилаверсин.

**Мубашира ИСЛОМОВА,**
**Олий тоифали ўқитувчи, халқ таълими аълочиси**
**Навоий тумани**

*Ранглар аёл таърифида*

## БАХТИЁР НАЗАРОВ КЎРГАЗМАСИДА

Республика Киночилар уйида 26 март куни «Ўзбекфилм» киностудиясининг кино рассоми, Республика ва турли халқаро кўргазмалар иштирокчиси, таниқли мусаввир Бахтиёр Назаровнинг Аёллар йилига бағишланган «Шарқ аёллари» кўргазмасининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Бадиий Академияси ҳамда «Ўзбеккино» давлат акционерлик компанияси томонидан уюштирилган ушбу ижодий тадбирда бир неча хорижий давлатлар элчихонаси вакиллари, кўргазма ташкилотчилари, матбуот ва ОАВ ходимлари, санъаткорлар ва бошқа қизиққан мухлислар иштирок этдилар.

Шарқ аёллари мавзусида яратилган турфа асарлар Аёл, олам ва ҳаёт уйғунлигида дунё ва яшашнинг моҳиятини англаш ифодаси бўлиб томошабин диққатини тортади. Мусаввир дунёнинг ҳайрат тўла тилсимларига, ҳатто табиат сирларига ҳам Аёлни кашф этиш орқали йўл излайди, кўнглига инган мўъжизаларни тасвирларда жонлантиради.

«Баҳор», «Келинчак», «Янги ой», «Оғир юк», «Куз», шунингдек, «Турк аёли», «Қорақалпоқ аёли», «Ҳинд актрисаси Бабита» каби ўнлаб суратлар, турли композициялар ва бошқа мафтункор асарлар дилингизда хайрихоҳлик уйғотади. Ушбу кўргазма 10 апрелгача давом этади.

**Д. МАТКАРИМОВА**

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ БЎЛАЖАК РИНГЛАРИ

Яқинда пойтахтимизда Халқаро ҳаваскор боксчилар ассоциацияси ижрокомининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда Сидней шаҳрида ўтадиган Олимпиада ўйинлари, Россия Федерациясида ўтказиладиган Жаҳон биринчилиги ва бошқа йирик спорт мусобақаларига олиб борилаётган тайёргарликлар қараб чиқилди.

Бир қатор ташкилий масалалар ҳам кўрилиб, улар бўйича керакли қарорлар қабул қилиндики, биз учун муҳими ва қувонарлиси — биринчи маротаба Ўзбекистон вакили бундай обрўли халқаро идора бўлмиш **AIBA**нинг раҳбарияти сафига киритилди.

— Эркинлик руҳи сизларга спортда ҳам улкан парвозларга қанот бағишлади, — дейди ушбу ташкилотнинг президенти Анвар Чаудри жаноблари. — Илгари спортчиларингиз собиқ СССР терма командалари сафларида халқаро мусобақаларга қатнашар, совринларга эга бўлар, аммо юртингиз номи эмас, бундан Россия ер юзига янада танилаверарди. Чунки жаҳонда кўпчилик СССРни Россия деб тушунарди. Ҳозирда эса Ўзбекистон спортчилари, айниқса, боксчилар мустақил Ватанингизни жаҳон спорт ишқибозларига, дерлик — халқларига танитиб, азалий ва улуғ шуҳратингизга шуҳрат қўшиб келмоқдалар.



— Элимизда спортга, жумладан боксга эътибор тобора ошмоқда, — дейди AIBA ижроқўмининг аъзоси ўзбекистонлик Ғофур Раҳимов. — Яқин кунларнинг ўзидаёқ Тошкент шаҳри ва вилоятларимизда бир неча спорт заллари, стадионлар, теннис кортлари ишга туширилди. Бу ёшларимизнинг нафақат жисмоний, балки маънавий камолоти учун ҳам аҳамиятлидир. Чунки бирор фойдали иш-ҳаракат билан банд бўлганлар, дейлик, ичиш, чекиш каби номақбул машғулотлардан тийиладилар, бемақсад юрмайдилар. Яна бир томони, спорт билан айниқса — эрйигитликни мустаҳкамлайдиган бокс билан шуғулланса, ёшларимиз жанговор, фидокор бўлиб етишадилар.

Йиғилиш қатнашчилари Тошкент шаҳридаги турли спорт иншоотларини айланиб, кўздан кечирдилар. Хорижлик мутахассисларнинг баҳолашларича, бу иншоотлар энг юқори жаҳон талабларига жавоб беради.

«Осиё биринчилигидан даражаси баландроқ мусобақаларни ўтказса бўладими?» — савол бердим. «Ҳа, албатта, — деб жавоб қайтарди суҳбатдошим Европа ҳаваскор боксчилар ассоциациясининг президенти Эмил Жечев. — Энди AIBA раҳбариятида республикангизнинг вакили бор. Бу ердаги шароитларни ўргандик, маъқул топдик. Вакилингиз Ўзбекистонда жаҳон кубоги ёки жаҳон чемпионатини ўтказиш тўғрисидаги масалани қўйса, менимча, ассоциация аъзоларининг кўпчилиги «ҳа» деб овоз берса керак. Ўзим биринчи бўлиб овоз бераман!»

— «Сиз ҳам жаҳон Бокс мусобақалари Ўзбекистонда ўтишини орзу қилсангиз керак?» — сўрайман AIBA ижроқўми аъзоси, ҳамюртимиз Ғ. Раҳимовдан. — «Боксчиларимизнинг ютуқлари яқин орада Ўзбекистонда жаҳон чемпионати ўтказилишининг ҳуқуқ-имкониятини беради, деган истакдаман. Бўлажак жаҳон ринглари юртимизда. Мусобақаларда Ўзбекистон байроғи баланд кўтарилади, деб умид қиламиз!»

... Юртимизга Наврўз кириб келди. Ишонамизки, Янги кун арафасида айтилган тилаклар, истаклар албатта амалга ошади. Негаки, булар фақат гап эмас, асосида жиддий ишлар, режалар бор.

**Азат ПРИМОВ**

**Суратда Э. Жечев, Ғ. Раҳимов, А. Чаудри**

## ҚАНОТЛИ ТУЛПОРЛАР

Тангри қайси миллатга марҳамат қилса,ўша халқни истеъдодли фарзандлар билан сийлайди. Чунки иқтидорли фарзандларигина миллат қадрини, қаддини кўтаради. Номига улуғ сифатлар қўшади. Айнан шунинг учун ҳам мамлакатимиз Президентидан бошлаб — ҳамма-ҳаммамиз истеъдодли фарзандларимизга умид кўзларимизни тикиб турибмиз. Аслида ҳеч нарсага қурбу қурбатсиз боланинг ўзи бўлмайди. Яралмишга Яратгандан нимадир ўтади. Аммо ҳамма гап ўша нимадирни илғашда, унга ишонишда, уни кашф этиш учун ҳаракатда. Қайси ота-она, қайси мураббия, устоз шу ҳақиқатни англаса,унинг боласи, тарбияланмиши, шогирди бугун, албатта, кўклам гиёҳларидек тоғдами, саҳродами, борингки, кесакдами, кўкариб, кўклаб чиқаяпти.

— Асл тулпорларнинг қўлтиғи остида қаноти бўлади. Буни синчилар яхши билишади. Ўшандай тулпорларни алоҳида меҳр билан парваришлайдилар. Сиз ҳам бизнинг қанотли тулпорларимизсиз. Ватан сизнинг қанотларингизда баландлайди, — деди Ўзбекистон Халқ шоири Ойдин Ҳожиева Республика ўқувчилари саройига вилоятларимиздан бир неча босқич танловларида ғолиб бўлиб келган иқтидорли болалар ҳузурида сўз айтаётиб.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан ҳар йили баҳорда ўтказиладиган бу анъанавий анжуман бу гал ҳам янги булоқларнинг кўзини очди.

Сурхондарё вилояти Сариосиё туманидаги 9-ўрта мактаб ўқувчиси Дилором Қудратованинг матоларга зар ип билан нақшлаган хаёлий манзаралари соғинч ва меҳр сувратига ўхшайди. Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани 57-ўрта мактаб ўқувчиси Хуршид Ўруновнинг мармарга ишланган тасвирлари юракни титратади. 10 яшар бола қалбида она қишлоғи — Ватан ичидаги Ватан шунчалар гўзал аксланар экан, шунчалар яшар экан, эртага кунларимиз севгига тўлади. Айнан шу севги бизнинг бугунги ғўборларимизни ёмғирдай ювиб юборади.

— Менинг ота-боболаримнинг ҳаммаси мисгар. Мен бешинчи авлод вакилиман, — дейди Хоразм вилояти, Хонқа шаҳридаги Нажмиддин Кубро номидаги мактабдан келган Нодир Бобожонов. Нодирбек менга мисга нақш соладиган темир қаламчасини, ўзи сайқаллаган хумоқушли туғромизни кўз-кўзлади. Ҳаваскор рассомлару шоирлар, ҳунармандлар, чеварлар, бадиий ўқиш ихлосмандлари, ёш бахшилар, наққош, кандакорлар — анжуман қатнашчиларининг ҳар биттаси яратган мўъжиза миллатимизнинг нечоғлик улкан имкониятларга эга эканлигини яна бир бор намойиш қилди.

— Биз саккизинчи баҳор шу муҳташам саройга тўпланаяпмиз. Ишимиз фақат намойиш эмас. Баҳслашамиз. Бир-биримиздан ўрганамиз. Кучлиларни тан оламиз, биз ҳам ўшанга яқин боришга интиламиз, — дейди йиғилиш ташкилотчиларидан бири Республика ўқувчилар саройи директори Олия Иброҳимова.

Ўзбекистон Халқ шоири Муҳаммад Юсуф ва иқтидорли болаларни қўллаб-қувватлаш учун анжуманга ташриф буюрган — «Соғлом авлод учун», «Усто» бирлашмаси вакиллари ҳам истеъдод фақат сийлов эмас, Ватан олдидаги масъулият эканини ҳам алоҳида таъкидладилар.

Ҳа, баҳсу мунозаралар, ғолиблигу мукофотлар ўз йўлига. Болаларимиз илдизимизга интилаяпти. Уларда юртга эгалик ҳисси уйғонмоқда. Номус, шаън деган энг керакли туйғулар туғилмоқда. Бу йиғин ва барча йиғинларнинг энг қувончли, энг ёруғ нуқтаси шу.

**Қ. РАҲИМБОЕВА**

## Бир ўқ атрофида айланар дунё

### ЮГОСЛАВИЯГА ЧЕТДАН ҚЎШИН КИРМАЙДИ

**Ғарб давлатлари раҳбарларининг Сербия ерларига аскар киритиш ниятлари йўқ. Улар қуруқликда уруш олиб боришни рад этдилар. Шимолий Атлантика иттифоқининг Сербиядаги ҳарбий ҳаво операцияларини жуда қисқа вақт ичида ўтказиш кўзланган. Гап Сербияни йўқотиш устида бормаяпти. Европада Сербиянинг ўз ўрни, мавқеи бор ва олиб борилаётган ҳаво ҳужумлари асло серб халқига қарши қаратилган эмас.**

### БУГУН РИМДА...

Бугун Римда Европа Парламент Ассамблеяси Кенгашининг кўкламги сессияси иш бошлайди. Унда дунёнинг 40 мамлакатидан 200 депутат иштирок этди. Бу ассамблея бир йилда 4 маротаба ўз сессиясини ўтказади ва ундан асосан ижтимоий масалалар кўрилади.

Европа Кенгашининг ушбу сессиясида Косово масаласи, Югославияда Атлантик иттифоқи олиб бораётган ҳаво ҳаракатлари муҳокама қилинади. Сессия қабул қилган ҳужжатлар Европа Кенгашига аъзо мамлакатлар учун ҳам сиёсий, ҳам ҳуқуқий тавсиялар каби хизмат ўтайди.

### ҲИНДИСТОНДА ТУНДА...

**Ҳиндистонда кеча тунда жуда кучли ер қимирлаши бўлди, Мамлакат шимолида рўй берган табиий офат натижасида камида ўн киши қурбон бўлди. Уттар-Прадеш вилоятининг Чамоли ва Гопешвар шаҳарларида зилзиланинг кучи 6,8 баллга етган. Деҳлида ҳам ер қимирлаши анча таъсирли бўлган. Маълумотларга қараганда, 50 км атрофидаги майдонда талофат ва вайронгарчиликлар анча кучли ўтган.**

**Электр тўхтаган, алоқа узилган, йўллар бузилган. Бу кейинги 94 йил ичида шу ерда ўтган энг кучли ер қимирлашдир. 1991 йилда бўлган зилзилада бу ерда 1600 киши ҳалокатга учраган эди. Ҳиндистон ҳукумати вилоятга дарҳол қутқарувчилар гуруҳларини жўнатди.**

### ТИНЧ ОКЕАН ЎРТАСИДА...

Тинч океан ўртасида Американинг Боинг Коинот корпорацияси тарихда биринчи маротаба сув устида сузиб юрувчи космодромдан самога ракета учирди. Уч босқичли ракета Россия ва Украина инженерлари томонидан ясалган. Сузиб юрувчи космодром Россия, Украина, Норвегия ва АҚШга тегишлидир. Экватордан самога ракета учириш анча арзон ва техник имтиёзларга эга.

# ШИФО ИСТАБ КЕЛГАН НОУМИД ҚАЙТМАС...

*Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазири муовини, Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош Бошқармаси бошлиғи Равшан Султонов билан Гулнора РАҲМОН суҳбати*

**Гулнора РАҲМОН: — Равшан Тўлаганович, Мана Ватанимизда қутлуғ Наврўз айёми тантаналари давом этмоқда. Наврўз кунлари беморлар, қариялар, узоқ-яқин қариндошлар йўқланади, гиналар унутилиб, аразлилар ярашади. Инсон қалбида савоб ишларни кўпроқ қилишга майл уйғонади. Таҳририятимизга Шаҳар Соғлиқни Сақлаш бошқармаси ташаббуси билан талайгина савоб ишлар амалга оширилаётгани маълум. Шулар ҳақида батафсилроқ сўзлаб берсангиз.**

**Равшан СУЛТОНОВ:** — Президентимиз Ислом Каримовнинг савоб ишни ҳар ким қилиши керак ва ҳар куни қилиши керак, деган қанотли сўзлари мамлакатимизнинг шиори бўлиб қолди. Соғлиқни сақлаш тизимида собиқ шўро тузумидан қолган мерос, айниқса, болаларни даволаш муассасаларида ҳозир ҳеч кимни қондирмаётганлиги маълум. Янги замон, янги тузум, янги мамлакат... Болалар уйлари, поликлиникалари, касалхоналаридаги барча жиҳозлар, нима десамикин, чойшаблару сут шишачалари, сўрғичлару термометрлардан тортиб, тиббий техникага қадар барини янгилаяпмиз. Юнусободдаги эмизикли ёшдаги гўдаклар уйида аҳвол ниҳоятда ачинарли эди. Биз «Тиббий таъминот» акционерлик жамияти бошлиғи Жамшид Алимовга Наврўз байрами муносабати билан шу муассасага ёрдам тариқасида элликта термометр сўраб мурожаат қилган эдик, улар юз дона ажратишди. Дори-дармон бирлашмаси ҳам саховат кўрсатди. Улар бизга ниҳоятда керак бўлган дори-дармонлардан ташқари, ўзларида бўлмаган, ҳозирги пайтда жуда камёб сўрғичдан уч минг донасини шу гўдаклар уйига совға қилишди. Бу биз учун катта мадад. Ҳақиқатдан халқимиз меҳри дарё. Сизга бир нарсани айтай: «Енгил саноат» касаба уюшмаси берган материаллардан ҳозир шу гўдаклар уйи ва бошқа болалар тиббий муассасалари учун чойшаблар, болалар кўйлак-иштончалари тикдиряпмиз. Наврўз байрами арафасида Юнусобод тумани, кўп тармоқли болалар касалхонасига ҳамда шу ҳудуддаги бошқа болалар касалхоналарига дори-дармон ва замонавий тиббий жиҳозлар олиш учун ишбилармонлар, хусусий аптекалар эгалари ўн миллион сўм маблағ ўтказдилар.

Юнусобод тумани Ҳасанбой мавзесида қурилаётган тиббий пунктга ғишт заводи эллик мингта юқори сифатли ғишт ҳадя қилди.

**— Шаҳримизда болалар касалхоналари кўп. Бундай ёрдам фақат Юнусобод туманига кўрсатилдими?**

— Бу хайрли тадбирлар шаҳримизнинг барча туманларида олиб борилляпти. Биринчи бўлиб, Миробод тумани тадбиркорлари билан маслаҳатлашдик. Улар гап бемор болалар ҳақида бораётганини эшитиб, ёрдамга тайёр эканликларини билдирдилар. Шу кунларда болалар юрак касалликлари марказига, болалар жарроҳлик шифохонасига, болалар ўпка сили касаллиги шифохонасига, болалар юқумли касалликлари шифохонасига ҳар бир хусусий аптека ва тадбиркорлар жамоаларидан юз минг сўмдан пул ўтказилаётир. Мазкур шифохоналар жойлашган туманлардаги бирор бир хусусий аптека ёки тадбиркорлар жамоаси йўқки, бу савобли ишдан четда қолган бўлсин.

**— Равшан Тўлаганович, эшитишимча, Эдита Пйеха деган санъаткор 15 йилдан буён битта болалар уйини ўз ҳисобидан таъминлар экан. Ўзбекистонимизда ҳам шундай ҳодисалар йўқ эмасдир?**

— Нақ кўнглимда турган саволни бердингиз. Бизнинг кишиларимиз, қолаверса, санъаткорларимиз ҳам мурувват бобида Эдита Пйехадан асло кам эмас. «Шаҳзод» гуруҳини яхши биласиз. Улар битта концертдан тушган маблағларини Шайхонтоҳурдаги юрак хасталиклари касалхонасига ўтказишди. Фақат шунинг ўзи билан чекланиб қолмай, улар бу касалхонани доимий оталиққа ҳам олдилар.

Наврўз байрами муносабати билан бошланган бундай хайрли ташаббусни Ўзбекистон Халқ артистлари Ғуломжон Ёқубов, Насиба Абдуллаева, Юлдуз Ус-



монова, Мирзабек Холметовлар ҳам сидқидилдан қўллаб-қувватладилар. Халқимизнинг бу севимли санъаткорлари биттадан концертларини атайлаб, айнан мана шу бемор болажонларимиз учун ташкил этишни мўлжалламоқдалар. Яккасарой мусиқа мактабининг «Болалар гуруҳи» ансамбли ҳам 150 минг сўм пулни шу туманнинг 16 феврал фожиаларидан жароҳатланганларига ёрдам тариқасида ўтказдилар. Куни кеча Мирзо Улуғбек туманидаги 5-болалар шифохонасига эллик минг долларлик ултратовуш аппарати ўрнатилди. Японияда ишлаб чиқарилган бу тиббий ускуна «Соғлом авлод учун» фонди ҳамда Япониянинг Ўзбекистондаги элчиси томонидан хайрия қилинди. Шундай тадбирлар бошқа болалар шифохоналари учун ҳам қилиняпти.

**— Суҳбатимиз бошида Юнусобод тумани болалар шифохоналари ҳисобига ўн миллион сўм тушди, дедингиз, ҳар бир туман болалар шифохоналари учун тахминан шунчадан маблағ тушса, бу пулларнинг ҳаммаси кўзда тутилган мақсад учун ишлатилишига ишончингиз комилми?**

— Ҳа, тўла ишончим комил. Аввало, ҳар бир пул ўтказган тадбиркор келиб, ўзи маблағига нима олинганини ёки нима иш қилинганини кўриб туради. Ундан ташқари, бу маблағлар доимий назорат қилиниб, аниқ режа билан ишлатилади. Шунингдек, маълум бир касалхона маълум бир маблағ билан маълум бир вақтгача зарур тиббиёт ашёлари ва дори-дармон билан таъминланади. Агар бирор ерда узилиш ёки қоидасизлик бўлса, бор нарсалар беморларга берилмаса, буни яшириб бўлмайди. Дарров маълум бўлади. Шуни яхши билингки, бу ўтказилаётган тадбирлар, тушаётган маблағлар дарров беморлар кайфиятида акс-садо топади.

**— Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан 9 май Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилинди. Бугунги кунда анча улуғ ёшга бориб қолган фахрийларга қандай ғамхўрликлар қилиняпти?**

— Саволингиз ўринли. Биз бу нозик ишни ҳам диққатимиздан қочирганимиз йўқ. Кўп мулоҳазалардан сўнг аввал болалар касалликлари муассасалари шароитини яхшилаб, кейин катта ёшдаги беморлар шифохоналарини жиҳозлашни режалаштираётган бўлсак-да, қарияларимиз даволанадиган муассасаларни унутишга ҳеч бир ҳаққимиз йўқ. Қариялар бизга ғанимат.

Яқинда яна бир савобли ишнинг тамал тоши қўйилди. «Нуроний» жамғармаси раиси ҳурматли Эркин Боқиев билан маслаҳатлашиб, шифохона очишни режалаштирдик. Бу шифохона учун 150 бемор бемалол даволанса бўладиган тўрт қаватли бино ажратилди. Насиб этса, тиббий жиҳозларни ҳам замонавий қилиб, фахрий бобо ва момоларимиз, меҳнат фахрийлари ва нафақадаги онахон, отахонларнинг даволанишларига яхши шароит яратамиз.

**— 16 феврал воқеалари халқимиз бошига тушган бир синов бўлди. Халқимиз бузғунчиларга қарши якдил эканлигини билдирди. Шубҳасиз, бу синов, шифокорларни ҳам четлаб ўтмади. Шулар ҳақида икки оғиз сўзлаб ўтсангиз.**

— Бизнинг тиббий мутахассисларимиз тинчлик шароитида беморларни даволашга ихтисослашганлар. Аммо ўша куни касалхоналарга боши, кўкрак қафаси, қорни жароҳатланган ва айрим ўқ теккан ярадорлар келтирилди. Шунингдек, шиша парчалари санчилишидан яраланганлар ҳам бор эди. Аммо мана шундай фавқулодда ҳолатда анестезиологлар, реаниматологлар, жарроҳлар, стоматологлар, рентгенологлар, ҳамширалар кечалар уйларига кетмасдан, ўз вақтида, кечиктирмасдан жонбозлик кўрсатиб, жароҳатланганларга ёрдам кўрсатдилар. Жароҳат билан келган бир юз йигирма саккизта беморнинг бирортаси ҳам ҳаётдан ноумид бўлмади. Уларнинг ҳаммаси Наврўз байрамини оила аъзолари даврасида қаршиладилар.

Биз шу экстремал ҳолатда ўз билимларини тўла намойиш қила олган шифокорларимиз билан фахрланамиз.

Тошкент шаҳар тиббиёт ходимлари касаба уюшмаси мана шу шифокорларимиз учун махсус мукофот пули ажратди. Йигирмата шифокор ва ўнта ҳамширанинг ҳар бирини 5.000 сўм пул мукофоти билан тақдирладик.

**— Аёлларга, Аёллар йилига муносабатингиз қандай?**

— Қайси ўзини таниган, билган эркак бу ишлардан қувонмайди? Бугунги кунда Республикамиз тиббиёт тизимида 65 фоиз хотин-қизлар фаолият кўрсатаяптилар.

Тиббиёт соҳасида хизмат қилаётган аёлларнинг ниҳоятда фидойи ва жонкуяр бўлишини кўпчилик яхши билади.

*Тикланиш одимлари*

Биз нафақат ўз соҳамиздаги, балки шаҳримизнинг барча аёллари манфаатини ўйлаб, «Аёллар маркази»ни ташкил қилишни режалаштирдик. Режа бўйича битта катта замонавий бинога шу марказ жойлашади. Бу марказда еттита бўлим фаолият кўрсатади. Булар: касалликнинг олдини олиш, яъни профилактика, диагностика, даволаш, реабилитация, маърифат ва маънавият, ҳунар ўргатиш ва маиший хизмат кўрсатиш бўлимларидан иборат бўлади. Ҳар бир бўлимда ўн-ўн бешта турли соҳа мутахассиси бўлган шифокорлар хизмат кўрсатади. Ёрдамга муҳтож бўлган аёл хизматнинг ҳамма турини битта бинодан топади. Бу деган сўз инсон танасидаги учраши мумкин бўлган барча касаллик шифокорларидан тортиб, ЭКГ, рентгенгача, оиладаги келишмовчиликлар хусусида бирор маслаҳат зарурати туғилса — юристу социологгача, оилани режалаштиришу қиз болаларни уй бекаси бўлишга тайёрловчи маслаҳатларигача бир жойда бўлади. Маънавият бўлимида эса санъаткорлар, шоир ва ёзувчилар, рассомлар ва кино усталари билан учрашувлар ўтказилади. Шунингдек, бу ерда аптека, сартарошхона, косметика хонаси, шейпинг хоналари энг замонавий асосда доимий хизмат кўрсатади.

Сизга яна бир улуғ режамизни айтай: дастуримизда шаҳримиздаги барча туғруқхоналарни таъмирлаб, янги тиббий ускуналар билан таъминлаш вазифаси белгиланган. Айни пайтда, аҳолиси энг кўп ҳисобланган Юнусобод туманида туғруқхона қурилмоқда. Шунингдек, аёллар маслаҳатхоналарини ҳам таъмирдан чиқариб, янги замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозлаш тез вақтда амалга ошади. Кўряпсиз, зерикишга, бир зум тек ўтиришга фурсат йўқ. Ҳаммасига улгуришимиз керак. Ҳаёт бир жойда тўхтаб турмайди.

**— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат. «МТ» мухлислари ундан ўзлари учун кўп ибрат ва янгилик оладилар деб умид қиламиз.**



---

*Далолат*

# ТАҚДИРИМИЗ ТАҚЛИДГА ҚУРИЛМАГАН

Муҳаббат сўзланилмайди, ҳис қилинади. У одамзот биладиган сўзлар мағзидан устун, бизга англаб етиш имкони берилган маънидан юқори. Тангрининг ҳар кимга ҳам насиб этавермайдиган сирли инъоми — илоҳий тақдир. Лекин барибир ошиқ аҳли муҳаббатдан тўймагани каби одамлар у ҳақда сўз айтишдан, турли тақдирлар нағмасини тинглашдан тўймайдилар. Ва бу айтимлар ҳамиша кишилар учун руҳий тикланиш, одамийлашиш, муҳаббатга яқинлашиш воситаси бўлиб қолаверади. Фикримизча, инсон зоти муҳаббатни етарли таърифламоққа қодир эмасга ўхшайди. Эҳтимол бу олий туйғу инсон тарафли таърифдан йироқдир. Бу йироқликнинг сабаби эса, бизнингча, асил Ишқ (хоҳ худога, хоҳ инсонга нисбатан бўлсин) кишининг вужудига, қалбига, шуурига синггани ҳолда бир пайтнинг ўзида унинг инсон ихтиёридан ташқаридалигидадир. Зеро, қай тарзда содир бўлмасин, Ишқ-руҳ иши. Руҳ эса одамзод танасидан олдин яралган, аввалдан бор эди, тана таназзулидан кейин ҳам руҳлигича қолади. Демак, ишқ ўзи ёндирган вужуд билан баробар тарзда йўқ бўлиб кетмайди, ҳамиша руҳ билан бирга (руҳ унга дуч келган бўлса, албатта), айнан шунинг учун ҳам, гарчи ҳамма ишонавермаса-да. Лайли-Мажнун, Тоҳир-Зуҳра, Фарҳод-Ширинларнинг у дунёдаги абадий висол осойишталиги ёки сўфийларнинг тангрига муҳаббати, у билан қўшилиб кетиши хусусида сўзланилади.

Лекин, очиғини айтганда, бу каби Ишқ — олий муҳаббат ҳақида сўз юритишдан кўпчиликда фақат мавҳумлик — тушуниксизлик, афсона эшитганликдаги ҳолат пайдо бўлади. Ахир, ким билади, Лайлию Мажнунлар ҳаётда, боринг-ки, бутун дунёда саноқлигидадир, бирдир-иккидир, худди ҳар пайтда дунёга келадиган даҳолардай. Бу сифат ишқ соҳибларини ҳаётда кўрганлар кам (кўрганда ҳам уларнинг кўнглини, ишқини ҳис қилиш маҳол). Одам зоти борки, минг ўқиб, минг эшитса-да, гувоҳ бўлганинигина ҳаёт ҳисоблайди. Демак, бундай ишқ тавсифлари ҳаммага ҳам кўриниш беравермайдиган худонинг ҳусни-жамоли ҳақида тавсифлар қилгандай бир гап. Шунинг учун ҳам Лайли-Мажнунлар кишиларнинг дунёқарашига сиғавермайди, уларнинг мулоҳаза ўлчовларида ҳамма қатори турмайдилар. (Бу ишқ оқибатини фаҳмлагувчилар кам топилади, улар ақлли дўст ёки ақлли душман бўлиши мумкин). Дунёқарашларга сиғмагани ва бошқа қарама-қаршиликлар сабабидан атрофидаги кишилар таъсирида дунёга сиғмайдилар, тириклигидаёқ афсонага айланадилар, гарчи қаҳрамонликка талабгор бўлмасалар-да. Улар ҳеч кимга қарамайдилару аммо ҳаманинг диққати, нигоҳи абадий уларда қолади. Даҳолар дунёни ўз даврида ва ўзидан кейин ҳам тебрата олганидай, уларнинг ишқу муҳаббати ҳамиша кўнгилларга меҳр улашиб, дилларга бир қадар уйғоқлик бериб, қалбларга кўр ташлаб, нур улашиб туради. Улар ҳам эл қатори одам боласи эканлигидан кишилар маълум даражада улардан таъсир топадилар. Эҳтимол сал меҳрлироқ бўладилар, бир-бирини аяйдилар. Шу билан бирга, меҳрга тўлиб-тошган, ўта кучли севгисини ана шундай ишққа тенг кўрувчи, ишқдай эъзозловчи, ҳатто севги йўлида қурбон бўлувчилар ҳам йўқ эмаслигини таъкидлаш жоиз. Хуллас, олий даражали ишққа муносиблар бордир-йўқдир, барибир кам, бизнинг мақсадимиз эса бу ҳақда гапириш, баҳс қилиш эмас (бундан маъни ҳам йўқ). Истагимиз ҳаётийлашиш, кўпчиликка яқинлашиш, бирмунча англаниларлик, ҳаётий фаолиятга киришимлик муносабатлар тўғрисида фикрлашиб, шу мулоҳазалар асосида кўз олдимизда содир бўлаётган маънавий ўзгаришларга назар ташлаш ва сизнинг ҳам нигоҳингизни шуларга қаратиш.

Ҳаётда ишқдан фарқли ўлароқ, ҳавас ҳамда севги, таъбир жоиз бўлса, кишида тан майли (шаҳвонияти) бор. Ўйлаб қараганда, ҳавас ва севгининг ишқ каби руҳга у қадар боғланиши, бирлашиб кетиши кузатилмайдиганидай, булар вужуд ва жон ишидай кўринади. Ҳавас (ва шаҳвоният) вужуд талабидан, севги жон иштиёқидан туғилар балки. Нима бўлганда ҳам, бу барча атамаларнинг қайси бири билан боғланаётганини, кўнглидаги ҳаракат ишқданми ё бошқа бириданми, одамзоднинг ўзи ва атрофдагилар ҳамиша ҳам билавермайди, ҳамиша ҳам истаклар қўзғалишига тўғри баҳо беравермайдилар Ёки билсалар-да, бирор манфаат нуқтаи назаридан уларнинг номи алмаштирилиб айтилиши ёхуд бор туйғуни йўқ, йўқ туйғуни бор дейилиши мумкин ва ҳоказо... Майли, буни ҳаёт дейдилар. Шу боис ҳам ушбу мавзуда фикрларнинг уйғунлашуви қийин, деярли мумкин бўлмай кетади. Ана шу ноуйғунлик тақдирлардаги чигалликларнинг, гоҳ эҳсон, гоҳ алдовларнинг, қадр ва қадрсизликларнинг дояси, сабабчиси, турли шаклдаги ҳаёт курашларининг қалови ва қуроли ҳисобланади. Ўзини ва ўзгани англашда, шубҳасиз, ҳамма бирдай эмас, англаган тақдирда ҳам ҳар кимнинг қадами, қарори ўзга. Ҳаёт синовлари шуни кўрсатадики, бу тушунчаларни деярли ҳеч қачон кишилар ўз манфаатларидан, мавқеи, айниқса замон, шароит талаблари доирасидан олдинга ўтказиб юборишмайди. Бу ўтказиб юбормаслик тангри томонидан қўйилган талабларга гоҳ муносибликка, гоҳ номуносибликка хизмат қилиб келади. Ҳар ҳолда ҳавас ва севги ҳаётнинг ҳам, замоннинг ҳам қонунларига бўйсунади, бошқача қилиб айтганда, қонунлар билан келишиб яшайди, хоҳишига мосми-мос эмасми, барибир тинглай билади. Шу жиҳати билан ҳам улар ишқдан фарқ қиладилар. Ишқ худодан бошқани тингламайди, худо эса ҳали ҳеч қачон бу кўйига тушганларни ишқдан қайтарган эмас. Зеро, тангрининг бандасидан талаби мол-дунё эмас, унинг қошига элта оладиган мулк — ишқ, меҳру муҳаббатдир.



Ҳамма ҳам аввало ўзини яхши кўради, ана шу ўзнинг талаблари нима бўлса, шуни бажаришга ҳаракат қилади. Ва бу ҳаракатларни рисоладагидай ҳаёт кечириш, эътиқод-иймон мезонлари билан (кимдир чиндан, кимдир ёлғон аралаш) бирга олиб боришга, халқ тили билан айтганда, чизиқдан чиқиб кетмасликка интилади. Хуллас, имкон борича барча масалалар қатори бу масалада ҳам ўзини каттами-кичикми, турфа азобларга (ҳаёт муаммолари, ташвишлар шусиз ҳам оз эмас) — ҳавасми, истакми, севгими... талабларнинг учқунига ҳам, ўтига ҳам чархлантириб қўймайди. Бу жами истаклар маънавий эҳтиёж даражасига кўтарилади ва одатда оила қуришда ўз ифодасини топади. Лекин ҳамиша ҳам шундайми? Йўқ албатта, сир эмаски, расман айтилмаса-да эл орасида пардали гап тарзида юрувчи «йигитчилик», «эркакчилик» деган тушунчалар мавжуд ва улар бежиз эмас. Буларни кишилар беихтиёр оила тушунчаси билан бир қаторда ҳаёт қонуни, табиий зарурат деб биладилар, у қадар гуноҳга йўймайдилар ҳам. (Ҳар ҳолда худо ҳар кимнинг пешонасида кўриниб тургани йўқ). Бунинг ножоиз, зарарли жиҳати шундаки, ўсмир-ёшлар айни шу ҳолатларни ўйламай-нетмай ўзларида синаб кўришга уринадилар ва буни ҳаётга — катталикка илк қадам қўйиш деб баҳолайдилар.

Инсон зотини бошқа мавжудотлардан фарқлайдиган бир неча унсурлар бор. Мен шулар қаторига катта ёшдагилар учун эркак ва аёлнинг тан яқинлик муносабатларидаги шаръий никоҳни ҳам қўйган бўлардим. Бу жуда муҳим, ҳам дунёвий, ҳам илоҳий масала, башариятнинг икки оламини мувозанатда сақлашга қодир куч. Қайсидир филмнинг қаҳрамони «дунёдаги жамики ёвузликлар эркак ва аёл ўртасидаги беникоҳ муносабатлардан бошланади» деган фикрни билдиради. Шаръий никоҳнинг диний қонун-қоидалари хусусида тўхталиб ўтмоқчи эмасмизу фақат никоҳ ва беникоҳликнинг ёвузлик ва эзгуликка таъсири, унинг ҳадеганда кўринавермас, лекин «оламшумул» фаолияти ҳақида мулоҳазаларимизни билдириб ўтмоқчимиз. Нега беникоҳ муносабат ёвузликларга доя бўлади? Балки бундай ваҳимали гап айтишга асос йўқдир. Ахир, ёвузлик — ҳаёт мувозанатининг, тараққиётнинг кушандаси ва бузилиши, издан чиқиши. Қолаверса, халқимизда юртни бузса беникоҳ (туғилганлар) бузади деган нақл ҳам бор. Бизнингча, шаръий никоҳ эркак ва аёлнинг бир-бирига фақат жисман ҳамда оила қуришликка боғланиши учунгина эмас, уларнинг тангри вужудига сингдирган руҳларини ҳам бир-бирига боғлаб қўйиш учун ўқитилади, эркагу аёлни ҳам илоҳий, яъни мукаммал тарзда бир-бирининг ҳалоллигига ўтқизади. Бундай руҳ боғланишини эса шаръий никоҳдан бошқа ҳеч қандай куч, дабдабали тўйлар ҳам амалга оширолмайди. Руҳи боғланмаган — тангрининг ипи ташланмаган жуфтликка «шайтоннинг аралашуви» — «ип ташлаши», уларнинг ўртасида «воситачи» бўлиши осон кечади, ахир у ҳамиша бўш жойни, одамзоднинг эътиқоди суст жиҳатларини «қидиради». Ақлнинг худодан бехабар ерини, кўнглини ҳам иймон етиб бормаган нуқталарини «эгаллайди» ва ўрнашган ўрнини кенгайтириб боради. Шайтоннинг мақсади ҳамиша одамзотни одамийликдан чиқариш, маънавий ҳалокат ёқасига олиб келишдир, бунинг учун у кишиларнинг луқмасидан тортиб, ўзаро муносабатларига, қонигача ҳаром аралаштиришга уринади. Чунки шайтон фақат ҳаромга «иш буюра олади», ҳалолнинг эса эгаси — пок руҳи, фариштаси бор. Табиийки, агар имкон берилса, ношаръий муносабатларнинг охир-оқибатида ака-сингил, ота ва қиз, қариндош-уруғларнинг бир-биридан фарқи — тайини қолмай, бир тўдага айланади. Меҳр-оқибат ҳақида эса сўз айтмаса ҳам бўлади. Шукрким, ундай эмас, биз шарқликлар оилани бошқа халқлардан кўра кўпроқ қадрлаймиз, оила манфаати охир-оқибатда ўзимизнинг манфаатимиз, келажагимиз эканлигини яхши англаймиз. Буни ўсиб келаётган ёш авлод ҳам билиши зарур. Беникоҳ жуфтликлардан дунёга келган фарзандлар хусусида асрлар давомида турли фикрлар айтилиб келинади, ҳаётий мисоллар келтирилади. Ривоятлар кўп. Беникоҳ туғилган бола яхшилик қилганга ёмонлик қилади дейдилар, бу сўзнинг ҳақиқатга қай даражада яқинлигини билмадигу лекин халқнинг гапи синашта гап эканлигига шубҳа қилиш қийин. Фарзанд дунёга келмаган тақдирда ҳам ана шу муносабатлардан ҳозир машриқу мағрибда урф бўлган ёмон, турли хил касалликлар келиб чиқиши, маънавий бузилиш ва бу бузилишни озодлик деб англаш, кишилар ўртасида бир-бирига бўлган ишончнинг дарз кетиши, болалар тарбияси таъминланишининг қайсидир даражада эътибордан четда қолиши, ёш ўсмирларнинг йўлдан адашиши — уларни йўқотиб қўйишимиз, ёмон кучларга айлантиришимиз, хуллас шу кабилар ёвузликка эрк берилишининг турли кўринишлари эмасми?

Ёш ўсмирлар олдин катталарнинг сўзидан, маслаҳатидан кўра ўзидан, фаолиятидан ибрат олади, кейин эса бирбирларига намуна бўладилар, катталарнинг аралашишидан наф ҳам қолмайди. Чунки улар аллақачон ўзларини катта ҳисоблаб улгурган, ҳаётни «англаб етган», севги-муҳаббатни замонавийлаштирган. Бу замонавийликда биз нодир деб билган «Лайли Мажнунлар»нинг сон-саноғи йўқ, бирининг Лайлиси яна бирига Зуҳра, бирининг Тоҳири яна бирига Мажнун бўлиб кетаверади. Бунда ички туйғулардан кўра бир-бировидан ўрнак олиш, тенгқурлардан қолишмаслик ҳисси устунроқ. Сўзимиз бошида биз тилга олган ишқ-муҳаббат айни пайтда видео тасмалар орқали бепарда филмларни томоша қилиб ўтирган ўсмирлар учун ҳатто афсоналикка ҳам арзимайди, «кўргазмали» таассуротлар таъсири уларни инсоний туйғулардан аста-секин узоқлаштира боради. Ўсмир-ёшлар уларни тўда-тўда бўлиб ўтириб томоша қиладилар. Тўғри, ёшларнинг ҳаммаси шундай деб бўлмайди, бироқ тўда сони ошиб бораётганидан хавотирга тушадиган пайтимиз етди, чамамда.

Мамлакатимиз оила йили — Аёл йилини бошдан кечиряпти. Назар солинг, асрлар давомида шарқнинг ҳар йили оила йили бўлиб келган. Биз ҳалол луқмали, ҳалол уйлик — оилалик халқмиз. Шу халқнинг бугуни ва келажагини бепарда тасмаларга тушиб кетишдан асрамоғимиз, уни достонларда сақламоғимиз айни зарурат, миллат истиқболи, эзгу интилишларимиз самарасининг гултожи, оломон эмас, халқ бўлиб, шарқ бўлиб яшаётганимизнинг далолатидир. Ахир биз ҳар бир воқеа-ҳодиса, ҳар бир сўз нимадан далолат бераётганини олдиндан фаҳмлаб, имкон қадар тадорикини кўриб келган, ҳар қачон ўзлигини олдирмаган миллатмиз, ҳеч замонда тақдиримиз асоси тақлидга қурилмаган, унинг ўз собит замини, ҳалол томирлари бор.

**Дилором ҚЎЗИЖОН**

---



Чавандозлар

# ПАХСАМИ, ТЕМИР БЕТОН?

Маълумки, ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос табиий бойликлари бўлиб, у ҳар бир юртнинг миллий бойлиги ҳамдир. Табиий бойлик деганда нафақат фойдали қазилмаларни, балки сув, ҳаво, тупроқ ва мусаффо майдонларни ҳам тушунмоқ лозим. Қодир табиат ердаги ҳаётга ўз сахийлигини ҳеч ҳам аямаган. Айтишларича, Жанубий Америка ва Африканинг баъзи бир ҳудудларида табиий картошка ва помидор ўсадиган тўқайзорлар ҳали ҳам мавжуд экан. Ҳиндистоннинг Декан тоғларида эса пахтани суғормасдан етиштиришар экан. Бу каби «табиат туҳфа»ларидан бизнинг ўлкамиз ҳам қуруқ қолмаган. Чотқол табиий қўриқхонасини кўришган ЮНЕСКО вакиллари ҳайратдан ёқа ушлашганига гувоҳлар бор. Шунингдек, Қашқадарёнинг Чимқўрғон сув омбори ўнг қирғоғида одамлар мош, макка, ҳатто бодрингни суғормасдан етиштирадилар. Бироқ, бундай ерлар оз бўлганлиги боис Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги суғорма деҳқончилик асосида йўлга қўйилган. Сувнинг ва ер релефининг оқими ҳамда нишаблик даражасидан фойдаланиш — интенсивлик ва унумдорлик шартидир. Хўш, шундай экан, бизда бунга амал қилиняптими? Мисол тариқасида Навоий вилоятининг Зарафшон шаҳрини оладиган бўлсак, Қизилтом бекатида ҳам, эски Зарафшонда ҳам деярли қарағайдан бошқа дарахт кўзга ташланмайди. Бу ерда бошқа дарахт ўсмайдими, дерсиз. Йўқ, ўсади. Гап шундаки, эски Зарафшонда суғориш, дарахт экиш ернинг нишаблигига қараб суғориладиган анъанавий суғориш усулига зид бажарилган. Шу боис қарағайдан бошқа дарахт бу ерда ўсмаган.

Янги Зарафшонда эса хилма-хил мевали боғларни кўриб, кўз қувонади. Бу ерга сув шарқ томондан оқиб келади. Кун чиқарида кичкинагина кўли ҳам бор. Мана шу сув йўлларидаги кичик майдонларда жийдазор ва тутзорлар барпо этиш имкони бор. Бу тадбир шу жойнинг экологияси учун жуда фойда бериши шубҳасиздир. Энди Қарши чўлини олайлик. Чўл ичида қурилган 39-давлат хўжалигида шўро замонида шунақанги данғиллама ҳовлили уйлар қурилганки, бу уйларнинг кўпида яқингача ҳам ҳеч ким яшамас эди. Қайси бир ҳовлига сув ўз оқими билан оқиб келса ва оқава сув арикчаларидан оқиб чиқиб кетса, ана шу ҳовлидагина одамлар яшар эдилар. Бу ҳол анъанавий суғориш усули — миллий турмуш тарзимизнинг муҳим шарти бўлиб келганлигини кўрсатади. Бу ҳодисани таъкидлаш орқали Қоровулбозор, Шўртан кимё мажмуаси каби йирик иншоот атрофида қурилаётган қўрғонлар заминининг миллийлик шарти ҳисобга олиниб, оқова сувларнинг анъанавий тармоғи қайта шакллантирилса, мақсадга мувофиқ бўлишини айтмоқчиман, холос...

Миллий иморатлар барпо этиш бугун кун тартибида турган масалалардан бири десак адашмаймиз. Бу ҳақда гапиришдан олдин Шаҳрисабз шаҳридаги бозор олдида қад ростлаган гумбазли иморат ичида жойлашган дўконга кирган киши ертўланинг зах, нам ҳавосини туюшини ва ташқаридаги 40-45 даражали жазирамани унутишини айтиб ўтмоқчиман. Дарҳақиқат, бу жойда конденционерга зарурат йўқ! Ўйланиб қоласан киши, тўртта пайвандланган бетон плита пахса деворли, томи сувоқли уйларга тенг бўла олармикин? — мана, миллийлигимизнинг сир-синоати! 1966 йилда Тошкентда рўй берган зилзилада синчли уйларнинг аксарияти бешикаст қолганлиги маълум. Боғдорчилик, зироатчилик, қолаверса, меъморчиликда миллийлик, замонавийлик ва анъанавийлик мезонларини топиш учун ҳаммамиз ижодий бош қотиришимизга тўғри келади.

Хулоса қилсак, ҳар бир миллатнинг ўзига хос миллий анъаналари ва табиий шароитлари бор. Шунинг учун қилинаётган ҳар бир ишда ушбу омиллар албатта ҳисобга олиниши зарур. Бу, шубҳасиз, муваффақият гарови демакдир.

**Нормурод ЖОМУРОДОВ**
**Қарши**

**ТАҲРИРИЯТДАН:**

***Ўлкамиз табиий ландшафтидан илм, оқиллик, кордонлик билан фойдаланиш мамлакатимизнинг чиройига чирой қўшади. Бунда гап мамлакат ер усти ва ер ости шароитини ўзгартириш ҳақида эмас, балки табиатга ёрдам бериш устидан боради. Табиатга ёрдам бериш у билан бирга қўлни қўлга бериб ишлаш дегани бўлади. Н. Жомуродовнинг фойдали фикрларига қўшилган ҳолда, шуни ҳам айтиш жоизки, «пахса девор» билан «темир бетон плита» солиштирилганда, бундан миллийлик ва анъанавийлик мезонларини топиш қийин. «Пахса девор»дан «миллийлик» қидириб юриш ҳозир бироз кулгили туюлади. Миллий қурилиш сиёсатида, қурилиш комплекси ва саноатида «Пахса девор»га суяниб бўлмайди. У хусусий қурилишларда, «темир бетон плита» ва бошқа замонавий конструкциялардан***

*Мухлис мушоҳадаси*

***фойдаланишнинг имкони бўлмаган ҳоллардагина ўзини «оқлаши» мумкин. Ойна, темир бетон — замонавий катта миқёсдаги қурилишлар, умуман, мамлакат қурилишини буларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Булар, таъбир жоиз бўлса, тараққиёт, тезкорлик, мустаҳкамликнинг ғолиб материалларидир.***

***Гап агар миллийлик ҳақида кетадиган бўлса, темир-бетон ва ойналар воситасида ҳам уни тўла маънода яратиш, ҳосил қилиш мумкин, моҳир меъмор темир-бетонни ҳам «сайратиб» юборади! Ёзда уйларни салқин, баҳаво, оромбахш, қишда эса иссиқ ва саранжомли қилиш бу кўпроқ «миллийликка» эмас, бизнинг ақлимизга, бошимизни қандай ишлатишимизга боғлиқ. Хўш, «Пахса»ми? Темир бетонми?***

***Эски пахса аллақачон темир-бетонга ютқизиб қўйган. Келажак фақат темир-бетонники! Миллийликка келсак, уни темир-бетондан ҳам топса бўлади.***

